

**ИМОМ МОТУРИДИЙ  
ХАЛҚАРО ИЛМІЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

# **АБУЛ МУИН НАСАФИЙ**



**IMOM MOTURIDIY**  
XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2022

**УЎК 28:001(092)Насафий**  
**КБК 72(543)**  
**86.38**

**О 98**

**Оқилов, Саидмухтор**

Абул Муин Насафий [Матн] : рисола / С. Оқилов. – Тошкент: «Ўзбекистон халқаро ислом академияси» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2022. – 32 б.

**УЎК 28:001(092)Насафий**  
**КБК 72(543)**  
**86.38**

*Муаллиф:*

**Саидмухтор Оқилов,**

*тарих фанлари номзоди, доцент*

*Масъул муҳаррир:*

**Давронбек Махсудов,**

*тарих фанлари доктори (DSc), доцент*

*Тақризчи:*

**Ҳабибулло Сагдиев,**

*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

*Рисолада машҳур ҳанафий-мотуридий олим Абу Муин Насафий ҳаёти, устоз ва шогирдлари ҳамда илмий мероси ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, олим маънавий меосининг бугунги кундаги аҳамияти ҳам очиқ берилган. Рисола илмий-оммабон услубда ёзилган бўлиб, кенг китобхонлар учун мўлжалланган.*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 13.04.2021 йилдаги 03-07/2418-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*

**ISBN 978-9943-7403-8-9**

© «Ўзбекистон халқаро ислом академияси»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2022

## МУҚАДДИМА

Юртимизда истиқлол шарофати билан тарихда яшаб ўтган кўплаб диний уламоларимиз ҳаёт йўллари ҳамда уларнинг бебаҳо илмий меросларини ҳар томонлама тадқиқ этиш сиёсат даражасига кўтарилди. Айни вақтда қадимда Мовароуннаҳр деб аталган азим диёримизнинг Самарқанд, Бухоро, Шош (Тошкент), Хоразм, Насаф, Уструшана (Жиззах), Фарғона деб ном олган воҳаларидан етишиб чиққан юзлаб алломаларимизнинг илмий меросларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар давом этмоқда.

Юқорида санаб ўтилган воҳалар орасида кўҳна ва навқирон Насафдан “насафий”, “паздавий”, “касбавий”, “кеший” нисбалари билан қалам тебратган алломаларимизнинг илмий меросларини ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. “Насафий” отилиб чиққан нисбаси билан ижод қилган алломалар орасида, шубҳасиз, Абул Муин Насафий, Абу Ҳафс Насафий, Абул Баракот Насафий, Макхул Насафий каби илоҳиётчи олимлар машҳур бўлганлар. Ушбу рисолада биз насафлик аллома – мотуридия таълимотининг энг ёрқин вакили Абул Муин Насафий илмий мероси ҳақида батафсил маълумот беришни жоиз топдик. Чунки Абул Муин Насафийнинг ўрта асрларда олиб борган фаолияти ўша давр учун жуда катта мафкуравий аҳамият касб этган. Чунки юқорида номлари зикр этилган барча мутакаллим ҳанафий олимлар Абул Муин Насафийнинг маънавий шогирдлари ҳисобланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юртимизда Абул Муин Насафий илмий меросини ўрганиш бўйича яқин уч-тўрт йил давомида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаб-

буси билан алломанинг Қарши шаҳрига яқин Қовчин қишлоғидаги мақбараси таъмирдан чиқарилиб, катта зиёратгоҳга айлантирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 апрелда Абул Муин Насафий бой илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этишга оид 433-Ф сонли қарори чиқарилди ва ушбу қарорда мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ ва режалар белгилаб олинди.

Абул Муин Насафий шахсияти ва илмий мероси бўйича замонамиз олимлари ҳам бир қанча мақтовли сўзларни билдирганлар. Хусусан, туркиялик каломшунос олим профессор Ҳ.Отай: “Мотуридия таълимотининг энг машҳур мутакаллим олими Абул Муин Насафийдан кейин унинг йўлида ва тизимида у каби шахс ҳали етишиб чиқмаган”, – деб алломанинг илмий меросига юксак баҳо беради. Имом Мотуридийнинг “Китобу-т-тавҳид” асарини нашрга тайёрлаган тадқиқотчи Фатхуллоҳ Хулайф ҳам мотуридия калом мактабининг ривожидида ҳеч ким Абул Муин Насафийдек катта хизмат кўрсатмаган, ашъария мактабини Имом Боқиллоний ва Имом Ғаззолийсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, мотуридия таълимотини ҳам Абул Муинсиз асло тасаввур қилиб бўлмайди, деб унинг илмий меросини алоҳида қадрлаган. Алломанинг шаънига ва бой илмий меросига бундай мақтовларни билдирган яна кўплаб тадқиқотчи олимларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Мазкур рисоламизда мотуридия таълимотининг энг ёрқин вакили ва ушбу таълимотнинг ривожидида Абу Мансур Мотуридийдан кейинги энг асосий олим сифатида эътироф этилган аллома Абул Муин Насафий ҳаёти ва илмий мероси ҳақида мухтасар маълумот беришни мақсад қилдик. Ушбу рисола 2008 йил нашр этилган “Абул Муин Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти” номли монографиямиз асосида тайёрладик.

---

## АБУЛ МУИН НАСАФИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

Абул Муин Насафий ҳаёти ҳақида табақот шаклида ёзилган бир қанча китобларда маълумот бериб ўтилган. Лекин ушбу китоблардаги маълумотлар алломанинг фаолияти ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишимиз учун имкон бермайди. Чунки ушбу китоблардаги маълумотларнинг деярли барчаси бир-хил бўлиб, улар бир-биридан кўчирилганлигини кўрсатади.

Абул Муин Насафийнинг ҳаёти ва илмий-маънавий мероси ҳақида Ибн Абул Вафо Қураший (ваф. 775/1373 й.), Ибн Қутлубуғо (ваф. 879/1474 й.), Тошкўбризода (ваф. 990/1582 й.), Ҳожи Халифа (ваф. 1067/1657 й.) ва Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий (ваф. 1304/1886 й.) каби олимлар ўз асарларида қисқача тўхталиб ўтганлар.

Юқоридаги олимлар ўз асарларида унинг тўлиқ исмини Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад ибн Муътамид ибн Муҳаммад ибн Макхул ибн Фазл Насафий Макхулий деб келтирганлар.

*Насаби ва лақаби:*

Абул Муин Насафий яна “ал-Макхулий” нисбаси билан ҳам аталган. Бу унинг бобоси исмидан олинганлиги аёндыр. Шуниндек, у бир қанча лақаблар билан ҳам аталган. Масалан, аллома “ал-Имому-л-ажал аз-зоҳид” (*Зоҳид ва улуг имом*), “ал-Фақиҳу-л-ҳанафий ва Сайфу-л-ҳаққ” (*Ҳанафий фақиҳи ва ҳақ (Аллоҳ) қиличи*), “Жомии-л-усул” (*Усуллар жамловчи*) ва “Раис аҳли сунна ва-л-жамоа” (*Аҳли сунна вал жамоа раиси*) каби номлар билан аталган. Бу номларни асосан биз алломанинг китоблари бошланишида учратишимиз мумкин. Унинг асарларини кўчирган хаттотлар “Қола ...” (*Яъни, ... айтади*), деб кетидан юқоридаги номлар билан алломани сифатлаганлар.

Аллома 436/1046 йил таваллуд топган ва 508/1114 йил Зулҳижжа ойининг 25 куни вафот этган.

Абул Муин Насафий дастлабки таълимни она шаҳри Насафда эгаллаб, сўнгра илм-фаннинг йирик марказларидан ҳисобланган Самарқандга кўчиб ўтган ва сиёсий вазиятлар таъсири остида Самарқанддан Бухорога борган. Насафийнинг илмий фаолияти давомида бошқа ўлкаларга сафар қилганлиги манбаларда деярли учрамайди. Лекин алломанинг “ат-Тамҳид ли қавоиди-т-тавҳид” асари ношири Жийбуллоҳ Ҳасан Аҳмаднинг маълумот беришича, Насафий Дамашқда Али ибн Ҳусайн Муҳаммад Балхий Сакалкандийга ҳадис илмидан сабоқ берган. Бундан биз Насафийни Дамашқда ҳам илмий сафарда бўлган, деган тахминга келишимиз мумкин. Насафий “Табсирату-ладилла” асарини 500/1106 йили Бухорода ёзиб тугатганидан, у Бухорода анча вақт муқим қолган деган хулосага келишимиз мумкин. Аммо унинг қабри Қаршига яқин жойда жойлашгани, Абул Муин ҳаётининг сўнгги йилларини она юрти Насафда ўтказганидан далолат беради.

*Устозлари:*

Абул Муин Насафийнинг устозлари ҳам ҳанафий калом мактабининг йирик вакиллари бўлганлар. Абул Муин Насафий устозларининг кетма-кетлиги Абу Бакр Жузжоний орқали Абу Сулаймон Жузжоний билан бирлашади ва у орқали Имом Абу Ҳанифа билан боғланиб, тартиб яқунланади.

Тартибга кўра, асосий боғланиш тугунлари Балх фақиҳлари Абу Сулаймон Жузжоний ва унинг шогирди Абу Бакр Жузжонийда туташади. Насафий устозларининг аксарияти Балхдан эканлиги ва ҳанафий таълимоти кўпроқ Балх орқали Мовароуннаҳр, аниқроғи, Самарқандга кириб келган ҳамда ўша пайтда Хуросон ва Хоразмда ҳанафий бўлмаган мазҳаб ва оқимларнинг таъсири кучли бўлган.

Лекин бу даврда яна бир машҳур ҳанафий фақиҳи Абу Ҳафс Кабир фаолият олиб борган. Ушбу фақиҳнинг Мовароуннаҳрда ҳанафий мазҳабининг ривожигаги ўрни катта бўлган. Абу Ҳафс Кабир асли бухоролик бўлиб, юқорида номи зикр этилган Абу Сулаймон Жузжонийга қадар Бухорода ҳанафий мазҳабининг тарқалишида катта хизмат қилган. Тарихий манбаларда Абу Сулаймон Жузжоний асосан Балхда эмас, балки Самарқандда қолиб ҳанафий мазҳабини тарқатгани учрайди.

Абул Муин Насафийнинг устозлар тартибини икки шаклда кўришимиз мумкин. Биринчи тартибига кўра, бизга Насафий дастлабки илмларни ота-бобосидан олганлиги яққол намоён бўлади. Лекин ушбу тартибда Абул Муин билан унинг катта бобоси Абу Мутиъ Насафий ўртасида узилиш бўлиб қолган. Иккинчи тартибга кўра, Абул Муин устозлари шажараси Имом Абу Ҳанифадан бошланиб, алломага унинг бобоси орқали эмас, балки бошқа устозлари орқали етиб келади. Ушбу тартибдан ўрин олган олимлар орасида Абу Мансур Мотуридийнинг номини алоҳида кўрсатиш жоиз. Чунки ушбу аллома Абул Муин Насафийнинг энг буюк ва асосий маънавий устози ва шайхи ҳисобланган.

Юқоридаги икки тартибга биноан аллома дастлабки илмларини ўз оиласида, яъни боболари ва отасидан олганлигини англаб олиш мумкин. Шу нуқтаи назардан унинг оиласи зиёли эканлиги бизга маълум бўлади ва ушбу оиланинг ҳар бир вакилини “Насафийлар сулоласи вакили”, деб аташимиз мумкин. Қуйида ушбу сулоланинг дастлабки вакили бўлмиш Абу Мутиъ Макхул Насафий ҳақида ҳам маълумот берамиз.

*Шогирдлари:*

Абул Муин Насафий ўзининг самарали илмий фаолияти даврида кўплаб шогирдлар етиштирган ва унинг шогирдлари устоз йўлидан бориб, унинг ишларини давом

эттирганлар. Насафийнинг шогирдлари ҳақида юртимизда айтиш мумкин. Шулари ҳисобга олган ҳолда алломанинг энг машҳур сафдош-шогирдлари ҳақида мухтасар маълумотлар бериб ўтишни лозим топдик. Улар сирасига Нажмуддин Умар Абу Ҳафс Умар Насафий (460/1068–537/1142), Алоуддин Самарқандий (ваф. 538/1143 й.), Иброҳим ибн Исҳоқ Саффор Бухорий (ваф. 534/1139 й.), Нуруддин Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Аби Бакр Собуний (ваф. 580/1184 й.), Абу Фатҳ Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид ибн Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн Самарқандий Асмандий (ваф. 488/1095–552/1157) каби олимларни киритиш мумкин.

Абул Муин Насафийнинг юқоридаги олимлар қаторида яна бошқа шогирдлари ҳам бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Чунки алломанинг бизга аниқ бўлган уч асаридан бири “Тамҳид” асари билан бир хил номланган яна бир асар мавжудлиги юқоридаги тахминларимизга асос бўла олади.

Абул Муин Насафий ўз даврининг машҳур мутакаллим олими бўлган ва Самарқанддаги ҳанафий калом мактабининг йирик вакили Абу Мансур Мотуридийдан (ваф. 333/944 й.) сўнг шу мактабнинг пешқадам вакили ҳисобланган. Насафийлар сулоласидан уч авлод кейин етишиб чиққан ушбу алломани мотуридия таълимотининг энг машҳур ва етук давомчиси, деб ҳисоблаш мумкин. Абул Муин Насафий илмий-маънавий меросини яқиндан ўрганган тадқиқотчилар унинг ижодига юксак баҳо берганлар ва Мотуридийдан кейин ушбу мактаб тақдирининг ҳал қилинишида бекиёс хизмат кўрсатган мутакаллим олим сифатида эътироф этганлар.

## **ОЛИМНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ**

Абул Муин Насафий қаламига мансуб асарлар ҳақида бир қанча тарихий, қомусий манбаларда маълумотлар



келтирилган. Улардаги маълумотларга таяниб, биз алломанинг ўн бешга яқин асарларини билишимиз мумкин. Лекин айни дамда алломага тегишли ушбу асарларнинг учтасидан бошқалари ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз.

*Ақидавий асарлари:*

Алломанинг энг катта асари, шубҳасиз, унинг “Табсирату-л-адилла фи усули-д-дин ала тариқати-л-Имом ал-Мотуридий” асари ҳисобланади. Ушбу асар ҳақида рисоламизнинг кейинги бандида алоҳида тўхталамиз.

“*Ат-Тамҳид ли қавоиди-т-тавҳид*” (“*Тавҳид қоидаларига муқаддима*”). Абул Муин Насафийнинг, ушбу асари ҳажм жиҳатдан “Табсира”дан кейин иккинчи ўринда туради. Қисқача “Тамҳид” деб аталадиган бу асар 1986 йил араб тадқиқотчиси Жийбуллоҳ Ҳасан Аҳмад томонидан нашрдан чиқарилган. Умумий 33 бобдан иборат бўлган ушбу асар “Табсира”нинг қисқартирилган шакли ҳисобланади. Асарнинг бизгача кўплаб қўлёзма нусхалари етиб келган.

Насафийнинг “Тамҳид” асари “Табсира”нинг кириш қисми ёки фихристи шаклидаги асар ҳисобланади. Чунки боб ва фаслларнинг берилиши солиштирилса, улар орасидаги узвий ўхшашликни сезамиз. Фақат “Табсира”да улар мукамалроқ ифода этилган. Шу боисдан олимлар “Тамҳид”ни “Табсира”нинг “Чўнтак китоби”, деб аташган. Насафийнинг ушбу асарига Низомуддин Ҳусайн Али ибн Ҳажжож Сигнакий “ат-Тасдид” номли шарҳ ёзган. Сигнакий ушбу асарини “Китобу-т-тасдид фи шарҳи-т-Тамҳид ли Абил Муин Насафий” деб номлаган ва уни 706/1306-07 йил ёзиб тугатган.

Абул Муин Насафийнинг ушбу асари калом илмининг тарихи, унинг ривожланиш босқичларини, айниқса, мотуридия таълимотини ўрганишда қимматли манба ҳисобланади.

“Баҳру-л-калом” (“Калом илми уммони”). У алломанинг учта йирик асари орасида энг биринчи нашр этилган асар ҳисобланади. Ушбу асар илк мартаба 1886 йили Бағдодда тош босмада нашр эттирилган. Сўнгра Мисрда 1911 йил қайта нашр этилган.

Абул Муин Насафийнинг юқоридаги учта машҳур асаридан ташқари айрим олимлар яна бир нечта асарларни унга нисбат берадилар. Қуйида Насафийга нисбат берилган баъзи асарлар ҳақида тўхталамиз.

*Фикҳий асарлари:*

“Шарҳ ал-жомии-л-кабир” (“Катта тўплам шарҳи”). Турк олими М.С.Язичиўғли ушбу асарни Абул Муин Насафийга умуман алоқаси йўқ эканлигини таъкидлайди. Энциклопедик олим Ҳожи Халифа ҳамда Қураший эса ушбу асарни Абул Муинга тегишли эканлигини зикр қилганлар.

“Маноҳижу-л-аимма фи-л-фуруъ” (“Имомларнинг фуруъу-л-фиқҳдаги услублари”). Ушбу асар ҳам “Кашфу-з-зунун”да, шунингдек, “Изоҳу-л-макнун” ҳамда “ал-Фавоиду-л-баҳийя”да зикр этилган. Ҳ.Отайнинг тахминига кўра, бу асар усулул фикҳга оиддир.

“Изоҳу-л-манҳаж ли кавни-л-ақли ҳужжатан” (“Ақлнинг ҳужжат бўлишида манҳажнинг изоҳи”). Абул Муин Насафий бу асарини “Тамҳид”нинг “Исбот кароматил-авлиё” номли фаслининг охирида “Табсира” билан бирга зикр қилган. Демак, ушбу асарнинг Насафийга тегишли эканлигида ҳеч қандай шубҳага ўрин қолмайди. Афсуски, ҳозирги маълумотларга кўра, асарнинг қўлёзма нусхалари дунё кутубхоналарида учрамайди.

Юқоридаги асарлардан ташқари кўпгина тадқиқотчилар Абул Муин Насафийга янглиш равишда яна “ал-Умда фи усули-л-фиқҳ” ва “ал-Олим ва-л-мутааллим” асарларини нисбат берадилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Насафий илмий фаолиятининг сермахсул даври Бухоро шахрига тўғри келади. Унинг 481/1088-89 йилда Бухорога ўз сафдошлари билан кўчиб ўтиши бу шаҳарда унинг илмий фаолияти учун кулай шароит яратиб берди. Тарихий манбаларга аҳамият берсак, Насафий айнан Бухорода ўзининг энг катта асарларини ёзиб тугатган ва кейинги даврларда мотуридия таълимотини ривожлантирган унинг кўплаб шогирдлари шу шаҳарда етишиб чиққан. Насафий ва унинг сафдошлари Бухорога кўчиб ўтишлари натижасида ҳанафий уламолари билан шофеий уламолари ўртасидаги ақидавий масалаларда дастлабки ихтилофлар пайдо бўла бошлади. Кейинчалик эса бу ихтилофлар шу даражага бориб етдики, салжукийлар сояси остида фаолият олиб борган шофеий-ашъарийларнинг мотуридия таълимотига нисбатан тухматлари Абул Муин Насафийнинг ўз илмий меросида кескин бурилиш ясашига сабаб бўлди.

## **МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ РИВОЖИДА “ТАБСИРАТУ-Л-АДИЛЛА” АСАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

Абул Муин Насафийнинг “Табсирату-л-адилла” асари ҳақида кўплаб олимлар яхши фикрларни билдирганлар. Ҳатто алломанинг замондошлари ҳам бу асарга юксак баҳо берганлар. Шундай олимлардан бири Абул Муин Насафийнинг замондоши ва шогирди Нуруддин Собуний (ваф. 580/1184 й.) Фахруддин Розий билан қилган муноқашасида бундай дейди: «Насафийнинг “Табсирату-л-адилла” асарини ўқиб чиққанимда тадқиқ ва таҳқиқда унга тенг келадиган бирор асар йўқлигига ишончим комил бўлди».

“Табсирату-л-адилла” асари Абул Муин Насафийнинг энг буюк асари эканлигини асарнинг бошиданок билиб олишимиз мумкин. Насафий “Табсира”нинг муқаддимасида: “Мендан дўстларим (шогирдларим) ақидавий масалаларда энг аниқ далилларга асосланган бир китоб ёзишимни ва ушбу китобда аҳли сунна вал жамоа шайхлари суянган (қўллаб-қувватлаган) фикрларни баён қилиб беришимни илтимос қилишди”, деб таъкидлайди. Асарнинг тўлиқ номи “Табсирату-л-адилла фи усули-д-дин аъла тариқати-л-Имам Аби Мансур ал-Мотуридий” (“Абу Мансур Мотуридий тариқатига биноан дин усулларини аниқ далиллар билан шарҳлаш”). Насафийнинг ушбу асарни ёзишига, аввало, ўзи юқорида таъкидлаганидек, шогирдларининг ундаши туртки берган бўлса, иккинчи жиҳатдан ўша даврда мотуридия таълимоти бўйича “Китобу-т-тавҳид”дан кейин биронта ҳам йирик асар ёзилмаганлиги сабаб бўлган. Насафий “Табсирату-л-адилла” асарини ёзиб тугатгач, ушбу асарига хотима ва фиҳрист сифатида икки асари: “Тамҳид” ва “Баҳру-л-калом” асарларини ёзган.

“Табсирату-л-адилла” асари ёзиб тугатилгандан сўнг ўша давр мутакаллим олимлари, айниқса, Мовароуннаҳрда ҳам маълум даражада тарқалиб борган ашъария таълимоти вакиллари томонидан катта шов-шувга сабаб бўлган. Насафийдан сўнг унинг “Табсира” китоби асрдан-асрга, авлоддан-авлодга ўтиб келган.

“Табсирату-л-адилла”нинг Туркиянинг Fatih кутубхонасида 2907 рақам билан ҳамда Веуазит кутубхонасида 3063 рақам билан сақланаётган икки қўлёзмасининг биринчи варақларида уни ривоят қилган олимлар рўйхати ҳақида маълумотлар берилган.

Мазкур рўйхатга аҳамият берсак, “Табсира” билан нафақат мутакаллим олимлар, балки фикҳ илми билан шуғулланган олимлар ҳам яқиндан таниш бўлганлар. Бунга

рўйхатнинг тўққизинчи қаторида турган мовароуннаҳрлик машҳур фақиҳ Бурҳонуддин Марғинонийни мисол қилиб келтириш мумкин.

“Табсирату-л-адилла”нинг калом илмига оид ёзилган бошқа асарлардан яна бир устун томони шундаки, унда нафақат каломий масалалар, балки мовароуннаҳрлик бир қанча машҳур мутакаллимларнинг ҳаётлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Мовароуннаҳр калом илми тарихи ва у ерда фаолият олиб борган мутакаллимлар ҳақида ҳозирги кунгача айрим энциклопедик манбалардаги қисқача маълумотларга суяниб келинмоқда эди. Айни вақтда Насафийнинг “Табсира” асарида мовароуннаҳрлик мутакаллим олимларнинг ҳаёти ва илмий фаолиятлари ҳақида келтирган қимматли маълумотлар биронта хоҳ энциклопедик, хоҳ калом илмига оид асарларда учрамайди.

Асарда таъкидланишича, Мовароуннаҳр ҳамда Хурсоннинг Марв ва Балх шаҳарларидан етишиб чикқан уламоларнинг барчаси азалдан ҳанафий мазҳабига эътиқод қилганлар ва Абу Ҳанифанинг йўлини маҳкам тутиб, муътазилийларнинг азалий рақиблари ҳисобланганлар.

Насафий ўз асарида мовароуннаҳрлик машҳур мутакаллимлардан Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Сабих Жузжоний, Шайх Абу Наср Аҳмад ибн Аббос ибн Ҳусайн Иёдий ҳақида маълумотлар келтиради. Шайх Абул Қосим Ҳаким Самарқандийнинг ривоят қилишича, Абу Наср Иёдийнинг олдига турли адашган фирқаларнинг вакиллари ўзларининг нотўғри ақидаларини исботлаш учун келганларида, албатта, улар алломанинг кучли далил ва исботларидан мағлуб бўлиб қайтар эдилар.

Шунингдек, “Табсира”да Абу Наср Иёдийнинг икки ўғли Абу Аҳмад ва Абу Бакр Иёдий ҳақида ҳам маълумотларни учратамиз. Асарда келтирилишича, бухоролик машҳур олим

Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг набираси, Мовароуннахр ва Хуросонда “Садру-л-фуқаҳо” унвонига эга бўлган олим Абу Ҳафс Ажалий Бухорий бундай деган: “Абу Ҳанифанинг мазҳаби тўғри йўл эканлигига яна бир исбот шуки, ушбу мазҳабда Абу Аҳмад Иёдий эътиқод қилган. Чунки Абу Аҳмад Иёдий ботил мазҳабга эътиқод қилиши мумкин эмас”.

Иёдийлар билан бир қаторда Насафий мовароуннахрлик бошқа мутакаллим олимлар, яъни Қозий Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аслам ибн Маслама ибн Абдиллоҳ ибн Муғийра, “Маъолиму-д-дин”, “Китобу-л-иътисом” ва “Китобу-р-радд ала-л-карромия” асарларининг муаллифи Абу Бакр Муҳаммад ибн Йаман Самарқандий ҳақидаги маълумотлар ҳам эътиборга моликдир. Насафийнинг фикрича, Абу Бакр Муҳаммад Самарқандий биринчилардан бўлиб карромийларга қарши раддия билдирган олим ҳисобланган. “Табсира”да сўнгги мутакаллим сифатида “Жумал усули-д-дин” китобининг муаллифи Фақиҳ Абу Салама Муҳаммад ибн Муҳаммад Самарқандий ҳақида маълумотлар келтирилади.

Насафий табақот шаклида юқоридаги мутакаллим олимлар ҳақида маълумотлар келтирар экан, ниҳоят ўзининг шайхи Абу Мансур Мотуридий ҳақида сўз юрита бошлайди. У Мотуридий ҳақида бундай дейди: «Биз юқорида зикр қилган олимларнинг барчаси мавжуд бўлмаганда ҳам, Абу Мансур Мотуридий уларнинг барчаси ўрнига кифоя қилар эди. У шундай зотки, илм уммонининг энг қаърига шўнғиб, ундан дуру гавҳарларни олиб чиқди ва диний ҳужжатларни ўзининг фасоҳати, мислсиз заковати билан зийнатлади. Шунинг учун у вафот этганда, Шайх Абул Қосим Ҳақим Самарқандий унинг қабри устига: “Ушбу қабр илмларни ўз нафасларигача қамраб олган, уни тарқатишда кўп заҳматлар

чеккан, у қолдирган мерос кўп мадҳ қилинган ва ўзининг умр дарахтидан кўплаб мевалар тера олган шахснинг қабридир”, деб ёзишларига буюрган эди”.

Мовароуннаҳрлик уламолар ҳақидаги маълумотларни Насафий Абул Қосим Ҳаким Самарқандий (ваф. 342/953 й.) ҳақидаги маълумотлар билан тугатар экан, бундай дейди: “Агар мен ҳанафий мазҳабига эътиқод қилган бухоролик ҳамда Мовароуннаҳрнинг туркларнинг энг куйи чегарасигача бўлган барча диёрларидаги уламолар ҳамда Марв ва Балх уламолари ҳақида гапираверсам, ушбу китобим тугамайди. Шунинг учун сизнинг эътиборингизга юқорида зикр этилган уламолар ҳақида мухтасар хабарлар етказишни афзал деб билдим”.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, “Табсирату-л-адилла” асари мотуридия таълимоти ва ушбу мазҳаб вакилларининг илмий-маънавий мерослари ҳақида кўплаб хабарлар мужассам бўлган ғоятда муҳим манба ҳисобланади.

Абул Муин Насафий “Табсирату-л-адилла” асарини 500/1106 йили Рабиус соний ойининг олтинчи куни (4 декабрь), пайшанба, аср вақтида Бухорода ёзиб тугатган. Ушбу санадан биз Насафий мазкур асарини умрининг сўнгги йилларида ёзиб тугатганига гувоҳ бўламиз. Бизнинг фикримизча, Насафий “Табсира”ни ёзиб бўлгач, умрининг қолган вақтида “Табсира”га жуда яқин бўлган, баъзан унинг фикристи, деб ҳам баҳоланган “Тамҳид” ва “Баҳру-л-калом” асарларини ёзган. Чунки Насафий “Табсира”да баъзи асарлари ҳақида маълумотлар келтирган бўлса-да, “Тамҳид” ва “Баҳру-л-калом” асарлари ҳақида маълумотлар бермаган. Аксинча, “Тамҳид”нинг бир қанча жойларида “Табсира” ҳақида тўхталиб ўтган. Шунинг учун ушбу икки асар “Табсира”дан кейин ёзилган, деган хулосага келиш мумкин.

## “БАХРУ-Л-КАЛОМ” АСАРИДА СОҒЛОМ ЭЪТИҚОД АСОСЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Абул Муин Насафий жуда таҳликали, хатарли, мафкуравий курашлар авж олган даврда яшаб ижод қилган. Маънавий устози Абу Мансур Мотуридий нисбатан бағрикенг ва мафкуравий тинч жамиятга эга бўлган сомонийлар даврида яшаб, гўё бир аср оралиғида Имом Абу Ҳанифа ақидаси негизида шаклланган фикрий қарашларини Абул Муин Насафийга узатгандек туюлади. Чунки айнан Абул Муин Насафий Мотуридийнинг фикрий қарашларини том маънода зувала ҳолига келтириб, тандирда пишириб, халқнинг онгига маънавий озуқа қилиб бера олди. Бу заҳматли ишда Насафийнинг “Табсирату-л-адилла” асарининг бебаҳо кадр-қимматини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳатто, Абул Муин Насафий вафотидан бироз кейин Мовароуннахрга қадам қўйган машҳур ашъария олими Фахриддин Розий ҳам айнан “Табсирату-л-адилла” асари олдида ўзини ожиз ҳисоблаган. Ўша даврда мотуридия ва ашъария ўртасида бир қанча ақидавий ихтилофлар пайдо бўлган эди. Шу сабабдан ҳам ўз даврида Абул Муин Насафий мотуридия таълимотини ашъария таълимотидан ҳам ҳимоя қилган.

Биз мазкур рисоламизда “Табсирату-л-адилла” асарига мурожаат қилишдан кўра, унинг энгил услубда ёзилган “Баҳру-л-калом” номли мўъжазгина асари орқали очиб беришни лозим топдик. Чунки “Табсирату-л-адилла” асари бир денгиз мисолики, унинг ичига кирган инсон ўз мақсадини “денгиз”нинг қайси соҳилида тугатишини билмай, каловланиб қолиши табиий. Чунки бу ўзида ҳам Имом Мотуридий “Китобу-т-тавҳид” асарининг шарҳини,



ҳам ҳанафия олимлари ҳақидаги энг бирламчи, ноёб библиографик маълумотларни, ҳам тарихий воқеаларни, ҳам бошқа самовий динлар тарихини мужассам қилган дурдона асардир.

“Баҳру-л-калом” асари алломанинг бизгача етиб келган “Табсирату-л-адилла” ва “ат-Тамҳид ли қоваидит-тавҳид” асарларидан анча енгил, равон тил ва услубда ёзилган. “Баҳру-л-калом” асарида Абул Муин Насафий бошқа асарларидаги каби дастлаб илмнинг маърифати ва Аллоҳни таниш каби ақидадаги энг зарурий масалалар билан бошлайди. Китобнинг дастлабки бетлариданок мўътазилия, қадария ва жаҳмия каби аҳли сунна вал жамоа эътиқодига зид бўлган оқимларга раддиялар беради.

Абул Муиннинг таъкидлашича, бизнинг наздимизда (яъни мотуридияда) Аллоҳ ўз илми билан олим Зотдир ва “илм” унинг жамики азалий сифатларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам У содир бўлган ҳодисадан олдин унинг қачон содир бўлишини ва содир бўлмаган ҳодисанинг содир бўлганида қандай ҳолатда содир бўлишини билгувчи Зотдир. Насафий ушбу фикрларига Намл сураси 65-оятни далил келтиради:

**“Айтинг: “Осмонлар ва ердаги бирон кимса ғайбни билмас, магар Аллоҳгина (билур)”.**

Шундан сўнг мўътазилий, рофизий ва қадарийларнинг “Аллоҳ хали яратмаган ёки мавжуд қилмаган нарсаларнинг илмини билмайди”, деган ботил эътиқодларини келтириб ўтади.

Асарнинг кейинги бетларида Абул Муин Насафий ақл ҳақида фикр юритишга ўтади. Насафий ақлга катта урғу беради ва инсоннинг ҳаёти давомида ақлини доим ишга солишига ва ақл у учун Аллоҳ томонидан берилган катта неъмат эканини таъкидлайди. Асарда таъкидланишича, аслида илм ақлдан афзалдир.

Кўпчилик мутакаллимлар ақлнинг илмдан устун эканини таъкидлайди. Шу ўринда замонавий оқимлардан “Ҳизбут таҳрир” илмдан кўра ақлни устун қўяди. Уларнинг наздида илм олиш мандуб (қилиш ихтиёрий, лекин қилмаса гуноҳкор эмас) амал ҳисобланади. Мотуридия таълимотида эса, илмнинг фазилати ва аҳамияти алоҳида мавқега эга. Буни биз Абул Муин Насафийнинг барча китоблари орқали ҳам билиб олишимиз мумкин.

Насафийнинг таъкидлашича, аҳли сунна вал жамоа наздида пайғамбарлар ақли авлиёлар ақлидан юқори бўлади ва ўз навбатида Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам ақллари бошқа пайғамбарлар ақлидан устун бўлган. Аммо мўътазилийларнинг эътиқодига кўра, барча инсонларнинг ақли бир хил бўлади.

Мотуридия таълимотига кўра, ваҳий етиб бормаган халқ Аллоҳни танишда узрли бўлмайди. Балки у ўз ақли ва тафаккури билан Худонинг борлигига интилиши керак. Насафий ушбу фикрга Қуръондан Каҳф сураси, 14-оятни далил келтиради:

**«Бизнинг Парвардигоримиз осмонлар ва ернинг Парвардигоридир. Бизлар Ундан ўзга бирон “илоҳ”га ҳаргиз илтижо қилмаймиз. Акс ҳолда, ноҳақ сўзни айтган бўлурмиз».**

Ақл борасида баҳс кетар экан, мотуридия таълимотида инсонларнинг ақл юритиб, тафаккур қилишларига қаттиқ тарғиб этилади. Буни биз юқоридаги мисоллар орқали кўриб турибмиз.

“Баҳру-л-калом” асарида мўмин кишига таъриф бериш, яъни қандай инсонни мўмин-мусулмон ҳисоблаш кераклиги ҳақидаги баҳсга ҳам лўнда ва аниқ жавоб бериб ўтилган. Аслида имон масаласи, ўзининг долзарблиги билан нафақат ўтмиш, балки бугунги кунда ҳам аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Бу борада тарихда ўзининг жаҳолати ва улкан

қонли қилмишлари билан дон таратган хорижийларга аниқ ва лўнда қилиб раддия берилганини кўришимиз мумкин.

“Баҳру-л-калом” асарида хорижийлар ҳақида бундай дейилган: “Хорижийларнинг таъкидлашича, ҳар қандай гуноҳи кабира қилган мўмин, шубҳасиз, диндан чиқиб қолади ва Али розияллоху анху ҳам хаворижларга қарши чиқиб, уларни ўлдиргани учун кофир ҳисобланар эмиш. Насафийнинг таъкидлашича, хорижийлар ушбу ақидасига Нисо сураси 14-оятининг зоҳирини ҳужжат келтирганлар:

**“Ким Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоатсизлик қилиб Аллоҳнинг белгилаб қўйган ҳадларидан тажовуз қилса, уни абадий қоладиган жойи бўлмиш дўзахга киритур. Ва унинг учун хор қилгувчи азоб бордир”.**

Насафийнинг айтишича, хорижийлар ушбу оятдаги “ҳолидийна” (абадий қолиш) сўзини шарҳлаб, уни имондан чиқиш деб қатъий таъкидлаганлар. Насафий уларга раддия бериб айтадики, ушбу оятдан мурод – Аллоҳ унда албатта кофирларни назарда тутган. Чунки Аллоҳнинг ҳадларини тажовуз қилиб чиқиб кетиш куфрдан бошқа нарса эмас.

Хорижийлар намозни адо этмайдиган мўминларни диндан чиққанликда айблаб, қуйидаги ҳадисни далил келтирганлар:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: **“Албатта, намоз диннинг устунидир. Ким уни бажарса, бас, дин устунини қурган бўлади. Кимда ким уни бажармаса, динни вайрон қилган бўлади”** (Суютий “ал-Аҳадис ал-мунтасира”да келтирган)».

Абул Муин Насафий хорижийларнинг ушбу ақидасига қуйидаги оятлар билан раддия келтиришни бошлайди:

**“Барчаларингиз Аллоҳга тавба қилинглар, эй мўминлар! Шоядки (шунда) нажот топсангизлар”** (Нур сураси, 31-оят).

**«Эй мўминлар, Аллоҳга холис тавба қилинглар, шоядки, Парвардигорингиз сизларнинг ёмонлик-гуноҳ-**

ларингизни ўчириб, остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритур. У Кунда Аллоҳ Пайғамбарни ва у билан бирга имон келтирган зотларни шарманда қилмас. Уларнинг нурлари олдиларида ва ўнг томонларида юрур. Улар: “Парвардигоро, Ўзинг бизларга нуримизни комил қилиб бергин ва бизларни мағфират қилгин. Албатта, Сен барча нарсага қодирдирсан”, дерлар» (*Таҳрим сураси, 8-оят*).

Насафий юқоридаги икки оятда келган “тавба қилингиз” деган калимларни ишора қилиб айтадики, тавба қилиш фақатгина гуноҳи кабира қилиш орқасидан бўлади. Агар мўмин гуноҳи кабира билан диндан чиқиб қолганда эди, юқоридаги оятларда Аллоҳ уларни тавба қилишга буюрмаган бўлар эди. Шу тариқа Абул Муин Насафий хорижийларнинг мутаассиб ақидасига қарши ўзининг раддияларини бериб ўтган.

Бугунги кунда Яқин Шарқда Ислом ниқоби остидаги турли экстремистик жамоаларнинг содир этган хунрезликлари хатто юқорида таъкидланган хорижийлардан ҳам ўтиб тушди. Мана шундай замонавий экстремистик оқимларга яна “Баҳру-л-калом” асари орқали маънавий курашиш энг тўғри йўл ҳисобланади. Асарга мурожаат қилсак, Насафий ўз даврида реакцион оқимлардан ҳисобланган мўътазилийлар тарихи ва унинг биринчи асосчиси Восил ибн Ато ҳақида алоҳида фасл киритган ва мўътазилийларнинг “Аллоҳ ёмон амалларни яратмайди, ёмон амалларни инсоннинг ўзи ҳосил қилади”, деган нотўғри эътиқодига раддия бериб ўтган. Асарда таъкидланишича, мўътазилийлар иддао қилишича, агар Аллоҳ ёмонликни банданинг тақдирида яратган бўлса, кейин уни қиёматда жазоласа, Аллоҳнинг адолати йўққа чиқиб қолар эмиш. Насафийнинг таъкидлашича, мўътазилийлар ушбу ақидаларига Қуръондан Нисо сураси, 93-оятни далил келтирганлар:

**“Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. Ва у Аллоҳнинг ғазаби ва лаънатига дучор бўлган, Аллоҳ унинг учун улуғ азобни тайёрлаб қўйгандир”.**

Улар шунингдек, Нисо сураси 30-оятни ҳам далил келтирганлар: **“Ким ҳаддан ошиб, зўравонлик билан шундай ишларни қилса, биз уни дўзахга киритажакмиз. Бу Аллоҳ учун осон бўлган ишдир”.**

Насафий мўътазилийларнинг бу ақидаларига қарши Қуръондан айнан Нисо сураси, 48-оятни далил келтиради:

**“Албатта, Аллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур...”.**

Насафий мўътазилийларга раддия берар экан, Аллоҳ гуноҳ содир этган бандаларини Ўз карами ва фазли билан кечирishi мумкинлиги ва бу иш унинг адолатига зид келмаслигини қатъий таъкидлайди ҳамда мўътазилийларнинг юқорида ўз ақидаларига далил келтирган Нисо сураси, 93-оятни қуйидагича изоҳлайди: «Ривоят қилинишича, ушбу оят аслида Микъяс ибн Сабоба Киноний деган муртад ҳақида нозил бўлган. Микъяс ибн Сабоба акаси Ҳишом ибн Сабоба қатл қилингандан сўнг ўч олиш мақсадида Исломдан чикиб, Бани Фаҳр қабиласидан бўлган мусулмонни ўлдирди. Абул Муин Насафий қайд этишича, Микъяс ушбу ишини ўзига ҳалол ҳисоблаб амалга оширган. Шу туфайли, мазкур оятдаги **“Ким қасддан бир мўминни ўлдирса”** калимасидан мурод – “кимки мусулмонни қасддан ва уни ўлдиришликни ўзига ҳалол ҳисоблаб ўлдирса”, деган маъно келиб чиқади».

Шу ўринда Нисо сураси 93-оятга диққат билан эътибор қаратадиган бўлсак, Насафий “Баҳру-л-калом”да ушбу оятни мўътазилийларнинг фикрига қарши шарҳлаган ҳолда унинг фикрлари бугунги кундаги Ислом ниқобидаги ваҳший

тоифаларга ҳам раддия сифатида эътиборга моликдир. Чунки экстремистик тоифалар уларнинг йўлларига юрмаган, уларга қарши чиққан ҳар қандай мусулмонни қатл қилишни ўзларига “ҳалол” ҳисоблаб олмоқдалар. Демак, уларнинг охиратдаги аҳволлари аянчли бўлишига куйидаги оятни биз аниқ далил сифатида кўрсатишимиз мумкин:

**“Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. Ва у Аллоҳнинг ғазаби ва лаънатига дучор бўлган, Аллоҳ унинг учун улуғ азобни тайёрлаб қўйгандир”** (*Нисо сураси, 93-оят*).

Ислом илоҳиётида яна бир нозик масала борки, унинг асл мазмун-моҳиятини тўғри англаб етмаган мусулмонлар тарихда бир-бирига қарама-қарши бўлган қадария (банда ўз хатти-ҳаракатларини тўлиқ ўзи бажаришини ва бунда Аллоҳнинг иши йўқлигини уқтирган тоифа) ва жабария (қадарийларнинг тескариси, яъни инсоннинг барча амалларини Аллоҳ яратган, шу сабабли инсон қиёматда ўз амалларига жавоб бермаслигини иддао қиладиган тоифа) оқимларига ажралиб кетганлар. Ушбу оқимлар қазо ва қадар масаласида адашиб, Аллоҳнинг азалдан яратган тақдири бўйича ботил эътиқодни илгари сурганлар.

“Баҳру-л-калом” асарида қазо ва қадар масаласи аниқ далиллар билан раво тилда очиб берилган. Асарда мўътазилийларга раддия берилар экан, бундай таъкидланади: “Мўътазилийлар эътиқодига кўра, феълларнинг (у ёмон ёки яхши феъл бўлишидан қатъи назар) барчасини бандаларнинг ўзлари яратадилар ҳамда улар Аллоҳ томонидан иститоат (хоҳиш) ва қувват берилишига эҳтиёжманд эмаслар”.

Насафий бу ботил эътиқодга раддия бериб, бундай дейди: «Агар бандалар ўз амалларини (феъл) ўзлари яратсалар, Аллоҳга шерик бўлиб қоладилар. Ваҳоланки, бизнинг наздимизда (мотуридия таълимотида) феълларни

Аллоҳ яратган ва ўша феълларни Аллоҳнинг иродаси, берган иститоати билан банда бажаради. Бунга куйидаги оятлар далилдир:

**“Холбуки сизларни ҳам, қилиб олган бутларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?!”** (*Соффат сураси, 96-оят*);

**“У – осмонлар ва ернинг подшоҳлиги Ўзиники бўлган, бола-чақа қилмаган, подшоҳликда бирон шериги бўлмаган ва барча нарсани яратиб (аник) ўлчов билан ўлчаб қўйган зотдир”** (*Фурқон сураси, 2-оят*);

**“Мана шу Аллоҳ Парвардигорингиздир. Хеч хандай илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзи бордир. У ҳамма нарсани яратгувчидир. Бас, Унга бандалик қилингиз! У ҳамма нарсанинг устидаги вакил – муҳофаза қилгувчидир”**(*Анъом сураси, 102-оят*)».

“Баҳру-л-калом” асарининг яна бир диққатга молик жиҳати шундаки, унда нафақат эътиқодий масалалар, балки инсон учун ҳаётда яхшилик қилиш, боқимандаликдан ўзини асраш, доим эзгулик сари интилишга тарғиб этувчи ривоятлар ўрин олган. Масалан, асарда таъкидланишича, ҳар бир инсоннинг ўнг ва чап елкасида унинг амалларини ёзиб юрувчи иккита фаришта жойлашган. Ўнг елкадаги фаришта яхши амалларни ва чап елкадагиси ёмон амалларни ёзиб боради ва қиёматда ўша инсонга қилган ишлари кўрсатилади. Ушбу ақидани табиийки, мўътазилийлар инкор этганлар. Абул Муин Насафий бу ақидага Қуръондан куйидаги оятларни далил келтиради: **“Холбуки, шак-шубҳасиз сизларнинг устингизда (қилган ҳар бир амалингизни) ёд олиб, ёзиб тургувчи улуғ (фаришта)лар бордир”**(*Инфитор сураси, 10,11-оятлар*);

**“Балки уларнинг гумонларича, Биз уларнинг сирларини (билмасмиз) ва шивир-шивирларини эшитмасмиз?! Ундоқ эмас! Бизнинг элчиларимиз (фаришталар) уларнинг олдиларида (ҳар бир қилган ишларини) ёзиб турурлар!”**

“Баҳру-л-калом” асарига “Ғояту-л-маром фи шарҳи Баҳри-л-калом” номли шарҳ ёзган олим Ҳасан ибн Аби Бакр Мақдисий Насафийнинг ушбу ақидаси шарҳида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг куйидаги ҳадисларини далил келтиради:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: *“Ўнг елкадаги фаришта чап елкадаги фаришта устидан омонатдордир (бошлиқ). Агар инсон яхши амал бажарса, уни дарҳол ёзиб қўяди. Борди-ю, ёмон амалларни бажарса, ўнг елкадаги фаришта чап елкадаги фариштага шундай буйруқ беради: “Унга олти соат муҳлат бер. Агар қилган амалига тавба қилиб кечирим сўраса, уни ёзмайсан, агар тавба қилмаса белгилаб, ёзиб қўясан”*».

Мазкур ҳадисни “Баҳру-л-калом” ношири Муҳаммад Саййид Барсижий ўз нашрида бошқача матнда келтирган:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: ***“Инсоннинг ўнг елкасида яхши амалларини ёзиб борувчи ва чап елкасида ёмон амалларини ёзиб борувчи фаришта бўлади. Ўнг елкадаги фаришта чап елкадаги фаришта устидан амир бўлади. Агар инсон яхши амал қилса, ўнг елкадаги фаришта яхши амални ўн барабар ошириб ёзиб қўяди. Агарда инсон ёмон амал қилиб қўйса, ўнг елкадаги фаришта чап елкадаги фариштага бундай буйруқ беради: “Унга олти соат муҳлат бер, шоядки ўз қилган ёмон ишига тавба қилиб Аллоҳдан кечирим сўраса”***».

Энди ушбу ақидавий мавзу ва ҳадисга аҳамият берсак. Ушбу ақида ва унга мувофиқ келган ҳадис орқали инсон доим қиёматда яхшиликдан умидвор бўлиб яшайди ва доимо хайрли ишлар бажаришга ҳаракат қилади. Абул Муин Насафийнинг “Баҳру-л-калом” асарида келган ушбу ақидавий масала бугунги кунда билиб билмай хато ишлар қилиб қўйганларни кофирликда айблаб, қиёматда хор-у зорликка дучор бўлишини даъво қилиб, уларда ноумидлик



кайфиятини уйғотаётган экстремистик оқимларга раддия бўлади.

“Баҳру-л-калом” асарида инсоннинг боқиманда, дангасаликдан доим йироқда бўлиши ва доим ҳалол меҳнат ва касб қилишига ризқ ва касб қилиш масаласи фаслида алоҳида тўхталиб ўтилган. Чунки бугунги кунда, бозор иқтисодиёти замонида инсоннинг тадбиркор бўлиши ва ҳалол йўл билан меҳнат қилиб, оила тебратиши катта аҳамият касб этади. Асарда келтирилган мисоллар юртимизда порахўрлик, судхўрлик каби иллатларнинг олдини олишда ҳам муҳим ўрин тутади.

Абул Муин Насафий “Баҳру-л-калом” асарида бойлик ва касб масаласига алоҳида фасл ажратган. Унда бойликнинг ҳар бир мусулмон учун зарур экани, фақат у ҳалол йўл билан топилиши алоҳида уқтирилади. Насафий асарда Абу Лайс Самарқандийнинг “Сабр қилувчи фақир шукр қилувчи бойдан афзалдир” деган фикрини келтиради. Насафий ўз фикрини давом эттириб, сабр қилувчи фақир эса, бахил бойдан афзалдир, дейди.

Насафийнинг таъкидлашича, айрим уламолар бойликни фақирликдан мутлақ устун қўйганлар ва бундай олимлар Зуҳо сураси, 7–8-оятларни далил келтирганларини айтади:

**“У Зот сизни хайрон ҳолда топиб, (Ҳақ йўлига) ҳидоят қилиб қўйди-ку! У Зот сизни камбағал ҳолда топиб, бой қилиб қўйди-ку!”**

Уларнинг эътироф этишларича, ушбу оятда Аллоҳ гумроҳликдан ҳидоятни ва ўз навбатида камбағалликдан бойликни устун қўймоқда. Шу сабабли, Довуд, Сулаймон, Юсуф, Иброҳим, Мусо ва Шуайб алайҳимуссалом каби пайғамбарлар бой бўлганлар ҳамда саҳобаларнинг аксариятлари ҳам бой бўлганлар.

Насафий асарнинг давомида энди фақирликни бойликдан устун қўйган уламоларнинг ақидаларини келтириб ўтади ва

улар Алақ сураси 6–7-оятларни далил келтирганларини таъкидлайди: **“Дарҳақиқат (кофир) инсон ўзини бой-беҳожат кўргач, албатта, туғёнга тушар - ҳаддидан ошар”**.

Фақирликни устун қўювчи олимлар Расулуллоҳдан куйидаги ҳадис далил келтирилганини таъкидлайди:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *“Эй Аллоҳим! Мени мискин қилиб тирилтиргин ва мискин ҳолатда жонимни олгин ҳамда мискинлар жамоасида жам қилгин”*.

Насафий ҳам бу борада бойликдан фақирликнинг афзал эканини таъкидловчи олимларни қўллаб-қувватлайди ва Имом Термизий “Китобу-з-зуҳд”да келтирган *“Фақирлар қийматда бойлардан ярим кун аввал жаннатга кирадилар”* мазмундаги ҳадисни келтиради. Насафий ушбу ҳадисни шарҳлар экан, матндаги ярим кун биз яшаётган дунёдаги беш юз йилга тенг эканини айтади.

Насафий ўз фикрларига мустаҳкам турган ҳолда пайғамбарлардан Яҳё, Исо, Закариё алайҳимуссаломлар фақирона ҳаёт кечирганларини таъкидлайди ва юқорида бойликни устун қўйган олимларнинг далилларига куйидагича шарҳ беради: «Зуҳо сурасининг 6–7-оятларидан мурод шуки, **(оят маъноси: “У Зот сизни ҳайрон ҳолда топиб, (Ҳақ йўлига) ҳидоят қилиб қўйди-ку! У Зот сизни камбағал ҳолда топиб, бой қилиб қўйди-ку!”)** бу ерда Аллоҳ бандаларини камбағал ҳолда топиб уларни қаноатда, сабрда бой қилиб қўйганини таъкидламоқда. Чунки қаноат ҳеч ҳачон сўнмайдиган бойликдир».

Улар назарда тутган Довуд, Сулаймон, Юсуф, Иброҳим, Мусо ва Шуайб алайҳимуссалом каби пайғамбарлар эса, аслида, молу дунёда эмас, балки қалб поклигида, нафс тўқлигида ва илмда бой бўлганлар».

Шу тариқа Абул Муин Насафий фақирликни бойликдан устун қўяди ва инсоннинг ҳалол меҳнат қилиши ва касб-

кор билан машғул бўлиши лозимлигини кейинги фаслда мисоллар билан ёритиб беради.

Асарда таъкидланишича, қадарийлар наздида инсоннинг бирон касб қилиши ва шу орқали мол топиши зарур эмас. Аҳли сунна вал жамоа ақидасига қўра, агар инсоннинг қорни тўядиган даражада егулиги бўлса, унга касб қилиш суннат ва мубоҳ бўлади. Агарда егулиги ҳам, егулик сотиб олиш учун пули ҳам бўлмаса, бундай инсонга касб қилиш рухсатли (ижозат) бўлади. Агар инсоннинг оиласи, болачақаси бўлса-ю, холи танг бўлса, унга касб қилиш фарз ҳисобланади.

Насафийнинг таъкидлашича, мутақашшифа, карромий қаби адашган оқимларнинг наздида касб қилиш ва мол ушлаб туриш ҳаром ҳисобланган. Бу тоифалар ўзларининг бу ақидаларига Иброҳим сураси 12-оятни далил келтирганлар: **“Таваккул қилгувчилар ёлғиз Аллоҳга таваккул қилсинлар”**.

Мутақашшифаларнинг ушбу оятни шарҳлаб, касб қилиш бандадан таваккулни қўтаради ва банда ўз топган молини шу касбдан деб билади, деб таъкидлаган. Бу эса нотўғридир. Чунки Аллоҳ инсонни унинг касбидан ташқари нарса билан ҳам ризқлантираверади.

Кўриниб турибдики, мутақашшифаларнинг ушбу ақидалари инсонни тўлиқ боқиманда ва халқ тили билан айтганда “Олма пиш, оғзимга туш” қабилида ҳаёт кечиршига тарғиб қилиб қўяди. Абул Муин Насафий айнан шу хавотирни даф қилиш мақсадида уларга қуйидагича раддия беради:

“Биз айтамызки, Аллоҳга таваккул қилиш ҳақиқатан инсон учун фарздир. Лекин касб қилиб мол топиш таваккулни йўққа чиқармайди. Чунки таваккул қалбда бўлади ва Аллоҳга ишонч, қўрқув ва умидни келтириб чиқаради”.

Ризқни Аллоҳдан эмас, ўз касбидан деб билиш ширк амалидир. Лекин касб қилиш инсоннинг Аллоҳ ато этган ризққа

эришишида восита бўлади. Насафий Пайғамбаримиздан куйидаги ҳадисни далил келтиради:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *“Ким турли риёлардан четлашган ҳолда, ўз оиласи учун ва қўшинисига инъом кўрсатиши учун ҳалол йўл билан молу дунё топса, қиёмат куни унинг юзи худди бадр кечасидаги тўлин ойдек бўлади. Агар ким кўп ифтихор ва риё учун ҳалол йўл билан бўлса ҳам молу дунё топса, қиёмат куни Аллоҳ унга газабли ҳолда дуч келади”*».

Насафий ўз фикрларига хотима ясаган ҳолда таъкидлайдики, соғлом инсон учун касб қилиш ва ҳалол меҳнат билан пул топиши фарздир. Чунки Аллоҳ Қуръонда Бақара сураси 267-оятда ҳам инсонларни ҳалол йўл билан мол топишга буюрган: **“Эй мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалардан инфоқ-эхсон қилингиз!”**

Насафийнинг таъкидлашича, ушбу оятда Аллоҳ эҳсон қилишга буюрмоқда. Агар касб қилиш ҳаром бўлганида, бандалар эҳсон қилишга буюрилмаган бўларди. Шу тариқа инсон ҳалол меҳнатга жазм қилиши керак. Чунки пайғамбарлар ҳам Аллоҳга таваккул қилувчи ва касб қилувчи бўлганлар. Шундан кўриниб турибдики, ҳалол йўл билан меҳнат қилиш ҳеч қачон ҳаром ҳисобланмаган.

Хулоса қиладиган бўлсак, Абул Муин Насафий “Баҳру-л-калом” асарида мотуридия таълимотини нафақат ақидавий мавзулар, балки инсон ҳаётида, турмушида ҳалол йўл билан яшашига тарғиб намоён бўлган. Шунингдек, асарда Насафий ўша даврдаги адашган оқимларга энг зарурий ақидавий масалаларни осон тил билан ёритиб раддия берган.

---

## ХУЛОСА

Биз мазкур рисоламизда юртимизда ўрта асрларда яшаб ижод қилган машҳур ҳанафий-мотуридий олими – Абул Муин Насафий ҳаёти ва илмий мероси ҳамда мусулмон инсоннинг соғлом ақидага эга бўлишида алломанинг қарашлари катта аҳамият касб этиши ҳақида маълумотлар беришга ҳаракат қилдик. Зеро, инсоннинг икки дунё саодатига эришишида унинг қалби пок бўлиши, Аллоҳни танишда ақидаси соғлом бўлиши илоҳий заруратдир. Шу сабабдан ҳам бир-бири билан мужассам бўлиб келган ақида ва калом илми Ислом илмлари орасида энг мўътабари сифатида эътироф этилган.

Абул Муин Насафий ана шундай мўътабар илм билан машғул бўлиб, ўз даврида турли эътиқоди нотўғри бўлган оқимларга қарши ўз асарлари билан курашган. Ҳар даврда бўлгани каби бугунги кунда ҳам ақидада адашган оқимлар учраб туриши табиий ҳолдир. Бунга Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги ҳадислари далил бўлади:

***«Менинг умматим етмиш уч фирқага бўлиниб кетади. Улардан биттаси нажот топади, қолгани эса ҳалокатга учрайди. Расулуллоҳ соллаҳу алайҳи ва салламдан сўрашди: “Нажот топадиганлар кимлар?” Жавоб бердилар: “Аҳли сунна вал жамоа”. Яна сўрашди: “Аҳли сунна вал жамоа кимлар?” Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жавоб бердилар: “Менинг ва саҳобаларимнинг йўлларини ушлаганлар” (Имом Абу Довуд, Имом Ибн Можжа, Имом Аҳмад ривояти)».***

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Абу Мансур Мотуридий ва унинг юзлаб издошлари қаторида Абул Муин Насафий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам

юқоридаги ҳадисда таъкидлаган аҳли сунна вал жамоа эътиқодида бўлишган.

Афсуски, бугунги кунда ижтимоий тармоқларда айрим-ларнинг мотуридия таълимотига нисбатан асоссиз, турли бўҳтонлар билан “тош отаётгани” бизни янада ҳушёрликка чорлаши лозим. Аждодларимиз минг йилдан зиёд давр мобайнида фикҳда ҳанафий мазҳабида, ақидада эса ҳанафий-мотуридия ақидасида эътиқод қилиб келганлар. Бу анъана ҳозир ҳам давом этмоқда. Шундай экан, ижтимоий тармоқларда янграётган асоссиз таъналарга эргашмасдан, биз сиз мухтарам ўқувчиларга мазкур рисолада маълумот берган Абул Муин Насафий каби аждодларимиз тутган йўлга мустаҳкам эргашсак, ин шаа Аллоҳ албатта бу дунё ва охираат саодатларига ноил бўламиз. Рисолани сизга тақдим қилишимиздан асосий мақсадимиз ҳам аслида шу эди. Аллоҳ барчамизни Ўз рушду ҳидоятидан адаштирмасин!

## МУНДАРИЖА

Муқаддима .....	3
Абул Муин Насафийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти .....	5
Олимнинг илмий мероси.....	8
Мотуридидийлик таълимоти ривожда “Табсирату-л-адилла” асарининг тутган ўрни .....	11
“Баҳру-л-калом” асарида соғлом эътиқод асосларининг ёритилиши .....	16
Хулоса .....	29

**ИМОМ МОТУРИДИЙ  
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

**АБУЛ МУИН НАСАФИЙ**

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2022

*Нашр учун масъул:* **Жамолиддин Каримов**  
*Бадий муҳаррир:* **Толибжон Низом**  
*Дизайнер-саҳифаловчи:* **Зарифжон Ғуломов**

Нашриётнинг лицензия рақами  
АИ № 0011. 06.05.2019 йил.  
Босмахонага 01.06.2022 йилда берилди.  
Бичими 84×108  $\frac{1}{32}$  Шартли б.т. 1,9. Нашр т. 1,8.  
Буюртма № 52.  
Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.